

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 1, 2022

www.psixologiyabuxdu.uz





PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL * НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

1-son 2022-yil. * Выпуск 1. 2022 год.

BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
BAROTOV SH. R.

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Действительный член (академик) Международной Академии
Психологических Наук

ТАHRIR HAY'ATI – РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

XAMIDOV O.X.

Buxoro davlat universiteti rektori,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

QAHHOROV O.S.

BuxDU ilmiy ishlar va innovatsiyalar
bo'yicha prorektori,
iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

SHOUMAROV G.B.

(Bosh muharrir o'rinnbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor
UMAROV B.M.

(Bosh muharrir o'rinnbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor

KOZLOV V.V. (Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor
MALI'X S.B.(Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor

KOROBENYIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor

KARIMOVA V.M.

psixologiya fanlari doktori, professor

SAFOYEV N.S.

psixologiya fanlari doktori, professor

BEKMURODOV M.B.

sotsiologiya fanlari doktori, professor

KADIROV U.D.

psixologiya fanlari doktori, professor

JABBOROV A.M.

psixologiya fanlari doktori, professor

NISHONOVA Z.T.

psixologiya fanlari doktori, professor

IBODULLAYEV Z.R.

tibbiyot fanlari doktori, professor

BEGMATOV A.S.

falsafa fanlari doktori, professor

HUSEYNOVA A.A.

Falsafafanlari doktori, professor

MUXAMEDOVA D.G.

psixologiya fanlari doktori, professor

RUXIYEVA X.A.

psixologiya fanlari nomzodi, professor

BAROTOVA D.SH.

psixologiya fanlari doktori, dot.

MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:

Usmanova M.N. – psixol.fan.nom., dot.

Muxtorov E.M. – psixol.fan.nom., dot.

Raxmatova M.M. – filologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD), dot.

Abzalova M.K. - filologiya fanlari

doktori, professor

TEXNIK MUHARRIRLAR – TEX.

РЕДАКТОРЫ:

Ostanov Sh.Sh, Rustamov Sh.Sh.

MAS'UL KOTIB – OTB.

СЕКРЕТАРЬ

Sobirova D.A. Psixologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD).



PSYCHOLOGY

SCIENTIFIC JOURNAL

Issue 1: 2022

EDITOR-IN-CHIEF: BAROTOV SH. R.

Doctor of Psychology, professor, the member (academician) of International Academy of Psychological Sciences

EDITORIAL BOARD:

XAMIDOV O.X.

Doctor of Economic Sciences, Professor,
the rector of Bukhara State University

QAHHOROV O.S.

The vice rector of Bukhara State
University on Scientific and innovation
Matters, Doctor of Economic Sciences,
Docent

SHOUMAROV G.B.

(Deputy editor)

Doctor of Psychology, Professor

The assistant of the editor-in-chief

UMAROV B.M.

(Deputy editor)

Doctor of Psychology, Professor

The assistant of the editor-in-chief

KOZLOV V.V.(Russia)

Doctor of Psychology, Professor

MALIKH S.B.(Russia)

Doctor of Psychology, Professor

KOROBENNIKOV I.A. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor

KARIMOVA V.M.

Doctor of Psychology, Professor

SAFOEV N.S.

Doctor of Psychology, Professor

BEKMURODOV M.B.

Doctor of Sociology, Professor

KADIROV U.D.

Doctor of Psychology, Professor

JABBOROV A.M.

Doctor of Psychology, Professor

NISHONOVA Z.T.

Doctor of Psychology, Professor

IBODULLAEV Z.R.

Doctor of Medical Sciences, Professor

BEGMATOV A.S.

Doctor of Philosophy, Professor

HUSEYNOVA A.A.

Doctor of Philosophy, Professor

MUXAMEDOVA D.G.

Doctor of Psychology, Professor

RUXIYEVA X.A.

Candidate of Psychology, Professor

BAROTOVA D.SH.

Doctor of Psychology, Docent

EDITORS:

Usmanova M.N. – Candidate of
Psychology, Docent

Mukhtorov E.M. – Candidate of
Psychology, Docent

Raxmatova M.M. – Doctor of
Philosophy in Philological
(PhD), Docent

Abzalova M.K. – Doctor of Philological,
Professor

TECHNICAL EDITORS:

Ostanov Sh.Sh, Rustamov Sh.Sh.

EXECUTIVE SECRETARY

Sobirova D.A. PhD of Psychology



Мундарижса/Содержание/Contents

3	Баротов Ш.Р., Исомоева Д.К. Маҳаллада оиласарга психологик хизмат кўрсатишнинг истиқболлари <i>Prospects for providing psychological services to families in the neighborhood</i>
10	Карамян М.Х. Человек в пространстве нравственного развития: переосмысление взглядов В.А. Токаревой <i>Man in the space of moral development: Rethinking the views of V.A. Tokareva</i>
16	Инагамова Л.У. Ёши раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида стресснинг юзага келиши сабаблари ва организмга таъсири масалалари <i>Causes of stress in the management of bars and their impact on the body</i>
21	Жабборов А.М. Ёшларда психологик ҳимоя механизми ривожланишини белгиловчи муҳим ошиллар <i>Important factors determining the development of psychological defense mechanisms in young people</i>
27	Elov Z.S. O'smirlik davrida shaxs xulq-atvorida kuzatiladigan reaksiyalarning psixologik ta'siri <i>Psychological effects of behavioral reactions during adolescence</i>
30	Авлаев О.У. Шахс камолотида социал интеллектни аниқлаш генезиси: назарий таҳлил <i>The genesis of determining social intelligence in the development of the individual: a theoretical analysis</i>
38	Усмонов Ш.А. Талаба ёшларнинг вербал интеллектига оид жинсий дифференциациясининг эмпирик таҳлили <i>Empirical analysis of sexual differentiation of student youth on verbal intelligence</i>
43	Усманова Э.З., Ахмедова А.Ш. Взаимосвязь креативности с жизнестойкостью личности у студентов <i>Interrelation between creativity and personality resilience among students</i>
49	Файзиев З.Х. Раҳбар шахсига хос касбий стресснинг назарий ва эмпирик талқини <i>Theoretical and empirical description of professional stress of manager</i>
54	Maqsadova M.S. Zamonaviy boshlang 'ich sinf o'qituvchisi kasbiy tayyorlarligining psixologik xususiyatlari <i>Psychological features of professional training of modern primary school teachers</i>
58	Shukurova D.R. Bo'lajak tarbiyachilarda kasbiy madaniy munosabatlarni shakllantirishning pedagogik -psixologik xususiyatlari <i>Pedagogical and psychological features of the formation of professional cultural relations in future educators</i>
64	Хакимова М.Ф., Маджидова Д.А. Мехрибонлик уйлари олий таълим тасарруфидা <i>The orphanages are run by higher education</i>
69	Туракулов Б.Н. Эмоционал интеллект ва компетентлилик тушунчаларининг таълим класстери босқичлари <i>The educational cluster stages of the concepts of emotional intelligence and competence</i>
73	Абдурахманова З.Э. Ёшлардаги ватанпарварлик эътиқоди, ватан туйғуси миљий бирлик шаклланишининг муҳим омили патриотическая вера в молодежи, чувство патриотизма - важный фактор в формировании национального единства <i>Patriotic belief in young people, sense of patriotism is an important factor in the formation of national unity</i>
79	Nuralieva D.M. Oilalarga psixologik xizmat ko'rsatishning ijtimoiy psixologik xususiyatlari



	<i>Social psychological characteristics of psychological services for divorced families</i>
83	Сафаров Д.Х. <i>Маркетинг психологиясида шахслардо муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари</i> <i>Socio-psychological aspects of interpersonal relationships in marketing psychology</i>
89	Холиков У.К. <i>Шахмат ўргатиш жараёни бошлангич синф ўқувчиларнинг шахсий сифатларини шакланишига таъсир этувчи омил сифатида</i> <i>The process of teaching chess as a factor influencing the formation of personal qualities of primary school students</i>
94	Турсунов Л.С. <i>Шахс фаровонлиги индексининг ижтимоий – психологик асослари</i> <i>Socio-psychological basis of the well-being index</i>
97	Саломова Г.Ш. <i>Межкультурная компетентность как фактор когнитивных способностей личности</i> <i>Intercultural Competence as a Factor of Personal Cognitive Abilities</i>
100	Избуллаева Г.В. <i>Дидактик асарларда ижтимоий муносабатларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти</i> <i>Didaktik asarlarda ijtimoiy munosabatlarning jamiyat taraqqiyotidagi ahamiyati</i>
106	Сагиндикова Н.Ж. <i>Талабалар қизлар ўқув фаолиятига масъулият хусусиятларини факторли таҳлили</i> <i>Factor analysis of the characteristics of student responsibility for student learning</i>
110	Якубова Г.А., Олимжонова З.Б. <i>Болаларнинг психофизиологик ривожланиши</i> <i>Psychophysiological development of children</i>
115	Алимарданова Р.Н. <i>Ўзбек оиласарида ёш келин-куёв муносабатларига хос инқироз шакланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари</i> <i>Socio-psychological features of the crisis in Uzbek families</i>
119	Ражабова Ф.П. <i>Хулқи оғишган вояга етмаганлар шахсининг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларини эмпирик ўрганиш натижалари</i> <i>Results of an empirical study of individual psychological characteristics of juvenile delinquents</i>
126	Djurakulova D.F. <i>Ayborlik va uyut hissining ijtimoiy-psixologik jihatlari</i> <i>Socio-psychological aspects of guilt and shame</i>
133	Элмуродов У.Ю. <i>Замонавий раҳбар шахсида лидерлик қобилияти ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий омиллар</i> <i>Social factors influencing the development of leadership skills in a modern leader</i>
139	Xakimova I.B. <i>Bo'g'cha yoshi bolalarning bilish jarayonlarining o'ziga xos xususiyatlari</i> <i>The peculiarities of the cognitive processes of children of kindergarten age</i>
145	Маратов Т.Ф. <i>Шахс диний идентификацияси ва диний йўналганигининг ижтимоий-психологик жиҳатлари</i> <i>Socio-psychological aspects of a person's religious identity and religious orientation</i>
150	Адилова Ш.Т. <i>Суицид олди хулқ-атвор шакланишига таъсир кўрсатувчи психологик сифатлар</i> <i>Psychological traits influencing the formation of pre-suicidal behavior</i>
156	Файзиева М.Х. <i>Конструктив психологик ҳимоя механизми шакланишининг дастурий самарадорлик таҳтили</i> <i>Programmatic analysis of the formation of a constructive psychological defense mechanism</i>
161	Xasanova S.G. <i>Katta muktabgacha yoshdagи bolalardagi xavotirlanish muammosi borasida chet el olimlarining qarashlari</i>



		<i>Views of foreign scholars on the problem of anxiety in older preschool children</i>
	Пармонов Б.Э.	
165	<i>Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ахлоқий муносабатлар шаклланишининг психологияк жиҳатлари</i>	
	<i>Psychological aspects of the formation of moral relations in children of preschool age</i>	
	Баротов Х.И.	
169	<i>Особенности психологической помощи спортсменам</i>	
	<i>Features of psychological assistance to athletes</i>	
	Умурзоков Д.Х.	
173	<i>Миллий мансубликка доир тимсолларнинг ижтиёмоий психологик хусусиятлари</i>	
	<i>Socio-psychological features of the symbols of national identity</i>	
	Равшанова З.Н.	
177	<i>Тадбиркорлик фаолиятининг ислом динидаги аҳамияти</i>	
	<i>The importance of entrepreneurship in Islam</i>	
	Turoboyeva Sh.U.	
181	<i>Sanoat xodimlariga psixologik xizmat ko'rsatish mexanizmlarini takomillashtirish</i>	
	<i>Improving the mechanisms of psychological services for industrial workers</i>	
	Шарипов А.Н.	
185	<i>Ўсмирлик даврида ипродавий сифатларни ўрганиши масалалари</i>	
	<i>Problems of studying volitional qualities in adolescence</i>	
	Эргашева С.Х.	
188	<i>Психологические аспекты управленческой деятельности в системы образования</i>	
	<i>Psychological aspects of managerial activity in the education system</i>	
	Мажитов Ш.М.	
194	<i>Замонавий мультимедиалардан фойдаланишининг интерфаол усуллари асосида мусиқа машгулатларини ташкил этиши концепсияси</i>	
	<i>The concept of organizing music lessons based on interactive methods of using modern multimedia</i>	
	Латипов И.М.	
200	<i>Профессиональная компетентность будущих медицинских сестер</i>	
	<i>Psychological features of stressogenic situations in the activities of specialists in terms of prevention of professional maladaptation</i>	
	Қабулов Қ.П.	
204	<i>Касб танлаш мотивациясига муносабат тизимини ўрганишининг эмпирик асослари</i>	
	<i>Empirical basis for studying the system of attitudes to career motivation</i>	
	Рузиева Д.Н.	
208	<i>Развитие лидерских компетенций у студентов</i>	
	<i>Development of leadership competencies in students</i>	
	ИЛМИЙ МУШОҲАДА	
	Амиржанова Д.З., Ибодуллаев З.Р., Ашурев З.Ш.	
212	<i>COVID-19 пандемияси даврида хавотирли-фобик бузилишлар ва сурункали инсомния</i>	
	<i>Anxiety-phobic disorders and chronic insomnia during the COVID-19 pandemic</i>	
	Алимов Х.М.	
216	<i>Тасаввуф ва илми маърифат</i>	
	<i>Sufism and scientific enlightenment</i>	
	ИЛМГА БАГИШЛАНГАН УМР	
219	Илмга багишланган умр - Алимбекова Ш.Т.	
	ХОТИРА АБАДИЙДИР	
221	Камол Хайруллаев ҳақида	
223	Илм йўлини танлаган фидоий шахс	
	<i>Рухиева Х.А., Ибодуллаева И.Н., Мухторова М.А.</i>	



Туракулов Бури Норбоевич,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, "Психология"
кафедраси катта ўқитувчиси

ЭМОЦИОНАЛ ИНТЕЛЛЕКТ ВА КОМПЕТЕНТИЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ КЛАССТЕРИ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация: Мақола эмоционал интеллект тушунчасининг яратилиши тарихи ва асосланиши мавзусига багишланган. Шунингдек, мақолада эмоционал интеллект тушунчасига оид турли тадқиқотлар, эмоционал интеллект тузилиши, эмоционал интеллект ва шахс, эмоционал интеллектни ривожлантириши шарт-шароитлари, умумий интеллект ва эмоционал интеллектнинг ўзаро алоқадорлиги, эмоционал компетентлик каби масалалар ҳат кенг ёритилган.

Калим сўзлар: эмоция, шахс, эмоционал интеллект, умумий интеллект, ўз-ўзини баҳолаш, эмоцияни назорат қилиш, бошқалар эмоциялари, эмоционал компетентлик, эмпатия, фрустрация, шахсий кўнким, ижтимоий кўнким, шахслараро муносабатлар.

Аннотация: В статье рассматриваются история и обоснование понятия эмоционального интеллекта. В статье также рассматриваются различные темы, связанные с понятием эмоционального интеллекта, структурой эмоционального интеллекта, развитием эмоционального интеллекта и личности, условиями для развития эмоционального интеллекта, взаимосвязью общего интеллектуального и эмоционального интеллекта и эмоциональной компетентности.

Ключевые слова: эмоции, личность, эмоциональный интеллект, общий интеллект, самооценка, контроль эмоций, эмоции других, эмоциональная компетентность, эмпатия, разочарование, личные навыки, социальные навыки, межличностные отношения.

Rezume: The article discusses the history and justification of the concept of emotional intelligence. The article also discusses various topics related to the concept of emotional intelligence, the structure of emotional intelligence, the development of emotional intelligence and personality, the conditions for the development of emotional intelligence, the relationship of general intellectual and emotional intelligence and emotional competence.

Keywords: emotions, personality, emotional intelligence, general intelligence, self-esteem, control of emotions, emotions of others, emotional competence, empathy, disappointment, personal skills, social skills, interpersonal relationships.

Маълумки, эмоционал интеллект шахснинг юқори даражада ривожланган ўз ҳис-туйғуларини ва бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини тушуниш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бир-бирини тушуниши ва уларни бошқариш қобилияти бўлиб, уни тадқиқ этиш психология фанида эмоционал интеллект муаммосига доир қатор янгича ёндошувларни юзага келтириши назарий ва амалий кўнкимларни амалга оширишини тақоза этади. Бунинг асосий сабаби халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш бўлиб, президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Мактаб – бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, хукumat ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак" лигини унутмаслигимиз лозим. Минтақавий таълим тизими сифатини таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқот юзасидан Тошкент вилоятида Педагогик таълим инновацион кластери платформаси яратилди, маъсул вакиллик органлари билан ҳамкорлиқда тадқиқот юзасидан бир қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Кластер ўз фаолияти давомида минтақанинг халқ таълими вазирлигига тегишли долзарб муаммоларни, таълим сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга катта аҳамият қаратмоқда. Шу ўринда таълимга нисбатан кенг кўлланилаётган "таълим кластери занжир ичидаги горизантал уланишларга асосланган таълим-технология-ишлаб чиқариш инновацион занжиридаги ўқитиши, ўзаро таълим ва мустақил ўқитиши воситалари тизими" ҳамдир. Маълумки, ўқитувчилар сифатли таълим беришда асосий иштирокчилар бўлиб, биринчи навбатда, сифатли таълимни таъминлашда уларнинг билимини ошириш, меҳнат



фаолиятлари давомида уларни рағбатлантириб бориш ва тоифаларни оширишга күмаклашадиган малакаларни ривожлантириш мухим.

Психологик мазмунга кўра, эмоционал интеллект - бу бошқа одамларнинг ҳисстуйгуларини енгил тушуниш ёки интеллектуал жараёнларга асосланган эмоцияларнинг асосланиши ҳамдир. Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигини тизимли ташкил этишда асос бўлиб хизмат қиласди. Инсондаги эмоционал онгнинг барча таркибий қисмлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро боғлиқлиги шахслараро муносабатларнинг дарс жараёнини ташкил этишда ва ўқувчиларнинг барча фанларни маълум даражада ўлаштиришига ёрдам беради.

Том маънода, эмоционал интеллект тушунчаси эмоционал компетентлилик билан ўзаро боғлиқ бўлиб, бир хил мазмунга эга саналади. "Эмоционал компетенция" бу – инсон томонидан ўзининг ва бошқаларнинг ҳисстуйгуларини тушуниш ва баҳолашдаги барча билим ва қўникмалари ҳамда малакаларидир. Эмоционал интеллектнинг муайян даражаси эмоциялар билан боғлиқ бўлиб, у аниқ қўникмаларни ўрганиш учун ўта мухимдир. Масалан, таниш қобилияти ўзга инсоннинг ҳиссиётларини англаш ва ўзгаларни руҳлантириш, уларга таъсир этиш қобилиятини ривожлантириш имкониятини беради. Шунга мос тарзда, ўз эмоцияларини яхши бошқаришга кодир инсонлар, турли хил стресс вазиятларида чидамли ва ишлаш қобилиятига эга саналади.

Демак, эмоционал компетентлиликнинг таҳлилида ишчанлик ва чидамлилик тушунчалари ҳам мужассам. Эмоционал интеллект конкрет ва абстракт интеллектдан фарқли ўлароқ, ташки дунё қонуниятлари ва унинг шахс хулқ-автори билан алоқаси ҳамда борлиқ билан ўзаро алоқадорлигини акс эттиради. Яъни эмоционал интеллект - ҳодисаларни дифференциал баҳолаш, турли яширин эмоцияларни англаш ва акс эттиришига асосланган қарор қабул қилиш жараёни ҳамдир.

Бошқалардан фарқли ўлароқ, В.С.Юркевичнинг илмий тадқиқотлари хulosаларига кўра, 95% интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли бўлган болалар эмоционал интеллектни намоён қилишда қийинчиликларга учрашини таъкидлайди. В.С.Юркевич бу ҳолатни эмоционал муносабатларга киришишдаги инфантиллик деб атаб, у билим олишдаги қийинчилик эмас балки, боланинг ўз тенгкурлари билан муомалага киришишдаги қийинчик ҳолатидир деб тарифлайди.

Америкалик психолог Д.Гоулман таҳлилича, жамиятда 80% одамларнинг ҳаётий муваффақиятлари эмоционал интеллект таркибига кирувчи нокогнитив омиллар билан боғлиқ. Яъни менежер бўлиш учун (**IQ**) оддий интеллектнинг муайян даражасига эга бўлиш керак, бироқ инсон мансабга кўтарилиш учун етарли даражада (**EQ**) эмоционал интеллектга эга бўлиш керак деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, инсон юқори интеллектга эга бўлиши мумкин, ушбу интеллект ундаги ақлий устунлик, топқирлик ва кучли яратувчаликни белгиласа, юқори эмоционал интеллект бошқаларни тушуна олиш, ҳисларини пайқаш, ўз эмоцияларини турли вазиятларда бошқара олиш қобилияти бўлиб, унга эга шахс мансаб ва раҳбарлик погоналарида бемалол одимлашиши табиийдир.

Д.Гоулман ўз даврида матбуот ва турли илмий конгрессларда "эмоционал интеллект" тушунчаси билан боғлиқ кўплаб чиқишилари билан барчанинг эътиборига тушган эди.

Таъкид жоизки, ҳозирга қадар фанда тадқиқотчилар Дж.Мэйер, П.Соловей ва Д.Голманлар "эмоционал интеллект" тушунчасини фанга олиб кирган уч қаҳрамон олимлар сифатида тан олинади.

П.Соловей "Эмоционал интеллект" борасидаги изланишларида ўзига хос таҳлилни амалга ошириб, унга кўра интеллект қандайдир идеал ҳодисани идрок қилмайди, балки эмоция бу вазифани бажаради. Яъни эмоционал интеллект - эмоцияларда ифодаланувчи шахснинг қабул қилиш ва тушуниш қобилияти, шунингдек, ақлий жараёнларга асосланган ҳиссиётни бошқариш жараёни ҳамдир. П.Соловей фикрича, "эмоционал интеллект" тўрт қисмдан иборат:

1. Ўз ҳисларини ва ўзгаларнинг эмоцияларини ҳис қилиш ёки қабул қилиш қобилияти;

2. Ақлга ёрдамлашувчи ўз эмоцияларини йўналтириш қобилияти;

3. У ёки бу эмоция ифодаланишларини тушуниш қобилияти;



4. Эмоцияларни бошқариш, назорат қилиш ҳамда тартиблаш қобилияти.

Тадқиқотчи И.Н.Андреева “эмоционал интеллект” таҳлилига ўзига хос ёндошиб, уни бошқалар ва ўз ҳисларини тушуниш жараёнидаги эмоция ва интеллектнинг кесишган нуқтаси деб таърифлайди

Бундан ташқари тадқиқотчи Д.Гоулмен фикрича, эмоционал интеллект бу – ўзи ва ўзгаларнинг ҳаракат мотивларини англаш жараёнида, ўзининг ва ўзгаларнинг эмоцияларини тушуниш, ўзгалар билан ўзаро алоқа ва ўз ўзининг эмоцияларини бошқариш қобилиятидир.

Бошқача айтганда, эмоционал интеллект – бу таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарс машғулотларини ташкил этишда дарснинг мазмунини ўқувчиларга қандай йусинда етказишини асосли деб, маълумотларни тарғиб этади. Ўзининг ва ўзгаларнинг эмоцияларини англаш, ўзининг ва ўзгаларнинг эмоцияларини бошқариш қобилияти бўлиб, шу аснода маълумот тарқатувчи ва қабул қилувчиларнинг асосий бирлиги ва ҳамкорлигини ўрнатади.

Баъзи психологик адабиётларда эмоционал интеллект бу – инсоннинг ўз эмоцияларини тушуниш кўникмаси деб таърифланади.

Тадқиқотчилардан П.Н.Лопес фикрича, эмоционал интеллект бу - ўз ҳолатини бошқариш ва атроф муҳит билан самарали муносабат, ўзи ва ўзгаларнинг яширин мотивлари ва эмоцияларини қабул қилиш ҳамда тушуниш жараёнидир.

Эмоционал интеллект (EQ) феноменини ўрганган Ревен Бар–ОН таклифича, эмоционал интеллект бу - барча нокогнитив қобилиятлар каби турли ҳаётий вазиятлардан муваффақиятли чиқиш имкониятини берувчи билим ва компетентлилиқдир.

Ревен Бар–ОНга кўра, шахсада эмоционал маданиятнинг беш жиҳати мавжуд:

- 1.Ички шахслилик - ўз ўзини таҳлил қилиш, мустақиллик, ўзини ўзи хурмат қилиш, ўзини ўзи намоён қилиш;

- 2.Шахслараро муносабатларда юқори эмпатия ҳисси ва ижтимоий масъулият;

- 3.Адаптивлилик - муаммоларни ҳал эта олиш, мослашувчанлик, бошқаларни адекват баҳолаш;

- 4.Стрессдан чиқиш лаёқати - турли зўриқишлиар устидан назорат, стресс ҳолатини кўтара олиш қобилияти;

- 5.Умумий кайфият - ҳаётий оптимизм , баҳтни ҳис этиш ва ҳоказо.

Юқоридаги қарашлардан фарқли ўлароқ, рус психологи Д.В.Люсин фикрича, эмоционал интеллект бу – ўзи ва ўзгаларнинг эмоцияларини пайқаш ва уни тезкор тартиблаш жараёнидир. Шунингдек, эмоцияларни тушуниш ва тартиблаш инсон учун бошқалар билан ўзаро алоқаларни енгил кечишини таъминлади.

Д.В.Люсин эмоционал интеллектнинг икки жиҳатини ажратади, яъни биринчи жиҳат бу “ички шахслилик”, иккинчиси эса “шахслараро” жиҳатдир. Унинг таъкидлашича, қайд этилган ҳар икки жиҳат ҳам эмоционал интеллект масаласида турли кўникмалар ва когнитив жараёнларни фаоллаштиради. Бу фаоллаштириш қўйидагилар билан белгиланади[8,69]:

- 1.Кучли эмоцияларни етарлича секинлаштириш, эмоцияларнинг интенсивлигини назорат қилиш;

- 2.Эмоцияларнинг ташки ифодаланишларини назорат қилиш;

- 3.Керакли вазиятларда у ёки бу эмоцияларни чақириш ва ифодалаш.

Шу ўринда муаммога амалий нуқай - назардан қараганда, эмоционал интеллект ҳақида эмас, эмоционал компетентлилик хусусида тўхталиш ўринли ҳисобланади.

Том маънога кўра, эмоционал интеллект тушунчаси эмоционал компетентлилик билан ўзаро боғлиқ бўлиб, бир хил мазмунга эга саналади. “Эмоционал компетенция” бу – инсон томонидан ўзининг ва бошқаларнинг ҳис-туйғуларини тушуниш ва баҳолашдаги барча билим ва кўникмалари ҳамда малакаларидир. Эмоционал интеллектнинг муайян даражаси эмоциялар билан боғлиқ бўлиб, у аниқ кўникмаларни ўрганиш учун ўта муҳимдир. Масалан, таниш қобилияти ўзга инсоннинг ҳиссиятларини англаш ва ўзгаларни руҳлантириш, уларга таъсир этиш қобилиятини ривожлантириш имкониятини беради. Шунга мос тарзда, ўз эмоцияларини яхши бошқаришга қодир инсонлар, турли хил стресс вазиятларида чидамли ва ишлаш қобилиятига эга саналади.



Мулоқотмандликка компетентлик, таниқли бўлиш қобилияти, очик қўнгиллилик, дўстона муносабатда бўла олиш ва ҳоказо.

Муаллиф эмоционал интеллектнинг ривожланишида муҳим саналган кўникмалар билан алоқадор қўйидаги таркибий жиҳатларни ҳам ажратади. Уларга:

- Шахслилик кўникмалари;
- Ижтимоий кўникмалар.

1. Шахслилик кўникмалари бу – ўз ўзини англаш, эмоционал ўзликни англаш, ўз хис-туйғуларини таҳлил эта олиш ва ўзаро таъсирни англаш, қарор қабул қилишда интуицияни қўллаш, ўзини ўзи аниқ баҳолаш, ўз имкониятлари чегарасини ва ўзининг кучли жиҳатларини билиш, дарғазаблик ва у билан боғлик эмоцияларни назорат қила олиш, очик қўнгиллилик, ишончлилик, адаптивлилик, мардонаворлик, инициативлилик, яъни ташаббускорлик, оптимизм каби сифатлар билан характерланади.

2. Ижтимоий кўникмалар бу – шахсдаги ижтимоий аниқлик, ҳамдардлик, ўзгаларнинг хиссиётларини танглай билиш, ўзгаларнинг қарашларини хис қолган ҳолда уларнинг муаммолари ечимиға ҳамкорлик қилиш, кежаккага умид билан қараб, ўз ортидан эргаштириш, ишонтириш услубини ўзлаштириш, ўзга инсонларни рағбатлантириш орқали уларнинг қобилияtlарини ривожлантиш, тушунмовчиликларни мақсадида амалий ишларни ташкил этиш давомида **Дж. Равеннинг "Прогрессив матрицалар" тестидан фойдаланилди**.

Мазкур тест 1936 йилда Дж.Равен ва Л.Пенроуз томонидан умумий интеллектни ўлчаш мақсадида ишлаб чиқилган. Тест прогрессив матрицалар кўринишидаги маълум шакллар, уларнинг хусусиятлари, характеристири, ўзаро муносабатлар ва муносабатлар йиғиндисини идрок қилиш қобилияtlарини ўрганишга қаратилган.

Йўриқнома: Сизга мантиқий фикрлаш ва фикран таҳлил этишни талаб этувчи 60 та тест-синов топшириғи берилган. Улар 5 та групхага ажратилган бўлиб, ҳар бир груп топшириқларини бажариш маълум бир турдаги интеллектуал қобилиятни (абстрак-мавҳум фикрлаш, мантиқий боғланишларни топа билиш ва таҳлил этиш, предметни яхлит ва таркибий қисмларга ажратган ҳолда кўз олдига келтириш, тасаввур қила олиш) талаб этади.

Натижаларни қайта ишлаш юзасидан интеллекти баҳолаш жадвали мавжуд бўлиб, унга кўра текширилувчилар фарқланадилар:

- 140 балл ва ундан юқори – жуда юқори, интеллектуал етук шахслар;
- 120 балл ва ундан юқори – юқори интеллектга эга кишилар;
- 110 –120 балл яхши интеллект соҳиблари;
- 100 – 110 балл меъёрдаги интеллект ;
- 90 – 100 балл ўртача интеллект;
- 80 – 90 балл кучсиз интеллект;
- 70 – 80 балл ақлсизлик аломатлари мавжуд;
- 50 – 70 балл ақлсиз;
- 20 – 50 балл ақлсизлик ўрта даражада;
- 0 – 20 балл юқори ақлсизлик.

Аслини айтганда, бугунги кунда эмоционал интеллект тушунчасини маҳаллий тадқиқотларда назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишга эҳтиёжлари юқори саналади. Яъни эмоционал интеллект таркиби, уни ривожланиш босқичларини ва типологик хусусиятлари ўрганиш катта аҳамият касб этмоқда. Чунки, ушбу мақоланинг амалий натижасини юзага чиқаришда ва аниқлик киритишда мавзунинг обьети сифатида Тошкент вилояти Чирчик шаҳар 9-сонли умумий ўрта таълим мактабининг бир груп ўқитувчилари синалувчилар сифатида жалб этилган. Ўказилган тадқиқот натижаларига кўра, 11-нафар ўқитувчиларининг амалий натижаларига кўра 90 – 100 балл ўртача интеллект даражасини ташкил этди. Шу билан бирга тадқиқот натижаларига кўра 21-нафар ўқитувчиларининг амалий натижаларига кўра 100 – 110 балл тўплашди. Тестнинг тавсифига кўра, олинган амалий натижалар жавобига асосан синалувчиларнинг ёшга нисбатан ақлий тараққиёти меъёрдаги интеллект жавобини ташкил этди ва шу билан бирга 110 ва 120 оралиғида балл тўплаган ўқитувчилар 3 нафарни ташкил этди. Тестнинг тавсифига кўра, олинган амалий натижалар жавобига асосан синалувчиларнинг ёшга нисбатан ақлий тараққиёти юқори интеллектга эга кишилар жавобини ташкил этди. Шу билан бирга мактаб шароитида ўқувчиларга таълим бераётган ўқитувчиларнинг эмоционал интеллектини кучайтириш мақсадида Психология, Педагогика кафедраларининг профессор



ўқитувчилари томонидан амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида талабалар билан ҳамкорликда аниқ кўрсатмалар берилди. Кейинги босқичда амалий олинадиган натижаларни ижобий томонга ўзгаришиш мақсадида малакали мутахассислар томонидан махорат дарсларини ташкил этиш ва Педагогика факультети деканати томонидан таълим класстерини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Инсонлар орасидаги эмоционал ҳолатлар ва жараёнларнинг, шахслараро ўзаро таъсиirlарини эмоционал ҳолатлар орқали ўрганишнинг роли бекиёсdir. Эмоционал интеллект табиатини очиш бошқаларни тушуниш маданиятининг ошишига хизмат килиши табиийдир. Чунки ақлий қобилият ва эмоционал қобилияtlар жуда чамбарчас боғлиқdir. Шахсдаги эмоционал кечинмаларнинг ўзгариши , албатта, интеллектуал қобилияtlарни ҳам ўзгаришига олиб келиши мумкин. Кўпчилик олимлар томонидан маълум бир эмоциялар инсонларнинг ақлий қобилияtlарини ошишига ёки камайишига таъсиir кўrсатиши исботланган. Инсон ўз эмоцияларини бошқара олиши, албатта ,уни жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этиши аниqlанган.

Агар бу борада янада кенгроқ тадқикотлар олиб борилса, унда эмоционал интеллектни типологик жиҳатдан тушуниш, эмоционал интеллект ва ёш, эмоционал интеллект ва касб, бошқарувда эмоционал интеллект ва унинг роли, шахс эмоционал интеллектининг типологик жиҳатлари каби масалаларнинг илмий-амалий жиҳатлари ўзига хос ечим топиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Адабиётлар.

1. Shavkat Mirziyoev. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birlgilikda barpo etamiz. "O'zbekiston" 2016.
2. Shavkat Mirziyoev. Buyuk kelajagimizni mard va olujanob xalqimiz bilan birga qo'ramiz. "O'zbekiston" 2017
3. Shavkat Mirziyoev. 2017-2021- yillarda O'zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasi. 7- yanvar 2017 -yil.
- 4 . Mayer DJ. Emotional intelligence information. 2005. – P. 95
5. Current directions in emotional Intelligence research / P. Salovey [et al.].
- 6.In M.Lewis& J.M. Haviland (Eds.). Handbook of emotions (2nd ed.). – N.Y.: Guilford, 2000. – P. 504 – 520
- 7.Андреева И.Н. Эмоциональный интеллект как предиктор академической.
- 8.Усаров, Жаббор Эшбекович. "Формирование компетенций учащихся как фактор повышения эффективности обучения." Theoretical & Applied Science 9 (2017): 79-82.



Абдурахманова Зухра Эркиновна,

*Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий психология кафедраси
доценти, психол.фналари номзоди*

ЁШЛАРДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК ЭЪТИҚОДИ, ВАТАН ТҮЙГУСИ МИЛЛИЙ БИРЛИК ШАКЛЛАНИШИНинг МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация: Ушбу мақола ватанпарварлик ҳам миллий бирлик, бирдамлик туйгусининг таркибий қисми эканлигига бағишиланган. Ватанпарварлик – бир ижтимоий, этник гурӯҳга мансуб бўлган кишиларнинг ўз тарихини, тили, маданияти, урф-одатларини, миллий обрўси, қадр-қимматини билиши, ҳурмат қилиши, уларга таяниши, бошқа халқларнинг ҳам обрў-эътиборини, манбаатларини ҳурмат қила билишини ифодаловчи маънавий фазилатdir. Муаллифлар ватанпарварлик эътиқоди, ватан туйгуси миллий бирлик шаклланишининг муҳим омили эканлигини кўrсатиб берганлар.

Аннотация: Эта статья посвящена тому факту, что патриотизм является неотъемлемой частью национального единства и солидарности., Это духовное качество, которое выражает способность уважать достоинство и интересы других народов. Авторы